

Васваса ёхуд шайтон иймон ўғрисиدير (иккинчи мақола)



15:00 / 26.11.2020 2448

Қилинаётган сажда фақат Аллоҳ учун

20 аср тариқат машойихларидан доктор Абдулхай роҳимаҳуллоҳ ҳузурига бир киши келиб: «Мен жуда ёмон тушкунликка тушиб қолдим. Қачон бошимни саждага қўйсам миямга шахвоний ва нафсоний хаёллар ҳужум қилмоқда. Қилган саждам нима бўлар экан деган хаёлга бораяпман. Бундан қандай қутулишим мумкин» деди. Абдулхай роҳимаҳуллоҳ: «Сенингча бу сажданг қандай сажда деб ўйламоқдасан?» деди. У киши: «Менинг қилган саждам шахвоний хаёллар туфайли нопок сажда бўлса керак» деди. Шунда Ҳазрат: «Аллоҳ таоло улуғ ва пок зот. Унинг учун аъло даражадаги сажда қилиниши керак бўлса нопок саждангни мен учун қилган бўлармидинг?» деди. Шунда у киши тавба, тавба мен ҳаргиз сиз учун сажда қилмайман деди. Ҳазрат: «Шундай экан сен қилаётган сажда Аллоҳ таоло учун қилинаётган сажда экан ундаги беихтиёр шахвоний ва нафсоний хаёлларга парво қилмагин. Сен бу қилинаётган сажда Аллоҳ таоло учун қилинаётганига қарагин» дедилар.

Васвасаларда ҳам ҳикмат бор

Биз каби кишилар ўқиётган намозларимизда васваса ва ёмон хаёлларнинг келиши ҳам бир ҳикматдир. Чунки ундай васвасаларсиз хушӯ, ҳузуӯ билан намоз ўқишни бошласак хаёлимизга биз улуғ мақомларга етишиб

қолдик деган фикрлар келиб, қалбимизда ужб ва мутакаббирлик каби хислатлар пайдо бўла бошлайди. Бизнинг мисолимиз араб шоирларидан бири айтган «тўқувчи икки ракат ўқиб, ваҳий кутишни бошлади» деган шеъридаги тўқувчига ўхшайди. Бизга ҳам хушуъ хузули намоз ўқиш ҳосил бўлса Аллоҳ таоло паноҳ берсин Маҳдийликни даъво қилиб қолармидик. Шунинг учун бу васваса хаёлларни ҳам Аллоҳ таолонинг ҳикмати ва раҳмати деб қабул қилиш керак.

Ўз-ўзидан хаёл ва васвасаларнинг келиши гуноҳ эмас

Инсон миясига ўз-ўзидан васваса ва хаёлларнинг келиши гуноҳ эмас, балки уларни қасддан хаёлга келтириш гуноҳ саналади.

Ашраф Али Таҳонавий роҳматуллоҳи алайҳга муридларидан бири мактуб йўллаб, намозида турли хил хаёллар келаётгани ва улар туфайли тушқинликка тушганини ёзди. Ҳазрат унинг жавобида: «васваса ва хаёллар келиши гуноҳ эмас, балки уларни келтириш гуноҳдир», яъни қасддан шундай хаёлларга бориш гуноҳдир деб ёздилар.

Васвасанинг мисоли

Гуноҳдан сақланиш шарт. Лекин беихтиёр турли хил васваса ва хаёлларнинг мияга келиши гуноҳ эмас. Улар туфайли ишдан тўхтаб қолмаслик керак. Уларнинг мисоли шундайки, бир кишини подшоҳ ҳузурига чорлади. У киши шошилиб мулоқотга кетаётганида йўлда одамлар этагидан тутиб ҳар хил ишларга чалғитишди. Бири бир муаммони айтса, бошқаси бошқа муаммони айтди. Айтингчи шунда у уларнинг муаммоларига парво қилладими. Агар парво қилса подшоҳ ҳузурига етиб борадими. Шу каби инсон ибодат вақтида мияга келган васвасаларга парво қилмаслик керак.

Васвасанинг давоси ҳам шу. Уларга эътибор бермаслик керак. Бора-бора улар камайиб, зеҳн ибодатга холи қолади.

Ашраф Али Таҳонавий роҳматуллоҳи алайҳ нозик бир нуқтани баён қилиб: «Намоз талаб қилинган амалдир. Унда турли васвасаларга эътибор бермаслик керак. Кўпчилик намозда мазза қила олмаётганларини ёки аввалдаги маззани хис қилишмаётганларини айтишади. Азизлар намоз мазза қилиш учун фарз қилинмаган. Балки у Аллоҳ таолонинг фарз қилган амалидир. Намозда роҳатни ҳис қилиш Аллоҳ таолонинг неъматидир. Агар ҳис қилинмаса, заррача баробар намознинг фазилати камайиб қолмайди. Намознинг шарт, рукн ва одобларига амал қилиниб, уни суннатга мувофиқ

адо қилинар экан, умр бўйи маззани ҳис қилмаса ҳам намознинг ажри камайиб қолмайди» дер эди.

Намоз ўқишга қийналиш

Намоз ўқишда роҳатни ҳис қилинадими, йўқми барибир намоз фарздир. Нафс саркашлик қилиб, қалб роҳатни ҳис қилолмай намоз ўқишда савоб кўпроқдир. Чунки, нафсга қарши чиқиб, Аллоҳ таолонинг розилигини ўйлаб ибодат қилиш қийин иш ҳисобланади.

Рашид Аҳмад Гангўҳий роҳматуллоҳи алайҳ: «Умр бўйи намоздан маза тополмаган бўлсада, уларни қолдирмай ўз вақтида адо қилишга уринган кишига иккита қувончли хабар бордир. Биринчиси қийналсада намозни қолдирмаса унинг савоби инша Аллоҳ кўпроқ бўлади. Иккинчиси агар намозда маззани ҳис қилса, мазза қилиш учун намоз ўқиганлигининг шубҳаси бўлар эди. Маззани ҳис қилмаганидан унинг намози фақат Аллоҳ таоло учун эканлиги маълум бўлади. Чунки намозда роҳатни ҳис қилувчилар роҳатланиш учун намоз ўқиган бўлишлари мумкин. Бунда нафснинг насибаси кўзда тутилган бўлиши мумкин. Шунинг учун намозда маза қиладими, йўқми, васваса хаёлга келадими, йўқми унга эътибор қаратмаслик керак.

Инсон амал қилишга мукаллафдир

Баъзи бир кишилар бир вақтлар дунёдан узилиб, мазза қилиб, ажойиб бир кайфиятда намоз ўқишганлари ҳозирда эса, ўша кайфиятни топа олмаётганларини айтишади. Яхши билиб олиш керакки, бундай кайфият ихтиёрий нарса эмас, балки у беихтиёр содир бўладиган нарсадир ва инсон уни ҳосил қилишга ҳам мукаллаф эмас. Амални қабул бўлиши ҳам унга боғлиқ эмас. Нажот топиш ҳам унга мавқуф эмас. Инсон амал қилишга мукаллафдир. Уни суннатга мувофиқ адо қилиш қилмаслигига мукаллафдир. Модомики, Аллоҳ таоло Ўз фазли карами ила амалга муваффақ қилган экан, унга шукр қилиш керак.

Кайфият мақсад ҳам эмас, ихтиёрий ҳам эмас

Кишилар ҳажга борсалар одатда Каъбани кўрганларида ажойиб бир кайфиятга тушиб қоладилар. Гоҳо йиғлагиси, гоҳо хурсандлигидан кулгиси келади. Бундай ҳолатни топа олмаганлар эса, шундай жойларга келиб ҳам қалбим эримади, йиғи келмади, шайтон устимдан ёлиб бўлиб олган экан ва бошқача кайфитни ҳис қила олмадим деб ўзларини ўзлари маломат қилишади. Аслида гап бундай кайфиятни пайдо бўлишида эмас.

Бундай кайфиятни содир бўлмагани учун инсон Аллоҳ таоло ҳузурида паст мақомда бўлиб ҳам қолмайди. Башартики амал суннатга мувофиқ бўлар экан, у мақбул ва ажрга эгадир. Аллоҳ таолога олиб борувчи йўл битта сироти мустақимдир. Сироти мустақим Аллоҳ таолонинг Қуръони ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари кўрсатган йўлдир. Амал шу иккисига мувофиқ бўлса, манзилга олиб боради. Йўлда кетилаётганда турли хаёллар ва васвасалар келадими, йиғлаш каби кайфият содир бўладими, бўлмайдими мазза бўладими, бўлмайдими унинг фарқи йўқ.

Икки ҳолатдаги кишинг намози

Доктор Абдулҳай роҳимаҳуллоҳ бир кун шогирдларига насиҳат қилиб, икки ҳолатдаги кишининг намози ҳақидаги нуқтани баён қилиб берди. Бири ўзига тўқ бўлиб, унинг тирикчиликдан ҳеч ғами йўқ, азон айтилиши билан масжидга боради, хотиржам таҳорат олади ва хушуъ, хузуъ билан намозини адо қилади. Сўнг жамоатга мунтазир бўлиб ўтиради. Такбир айтилгач фикрини жам қилиб, намоздан бошқасини ўйламай намоз ўқийди. Намоз тугагач уйга боради ва кейинги намозга мунтазир бўлади. Иккинчиси эса, бола чақали, кўпчиликнинг ҳуқуқлари зиммасида, тижорат ёки бирор касбга машғул. Жамоат вақти бўлса, таҳоратга шошилади ва имом ортидан жамоатга эргашади. Эндигина ишдан қўли тўхтагани учун хаёлида ишнинг фикри миясида давом этади. Шундай бўлсада, жамоатдан қолмай намозларини тўлиқ ўқийди ва суннатини ўқигач яна ўз ишига шошилади.

Қай бирининг намозида рувҳоният зиёда

Сўнг шогирдларига юзланиб: «Айтингларчи қай бирининг намозида рувҳоният зиёда?» деб: «Аслини олиб қаралганда аввалги кишининг намозида рувҳоният зиёда кўринади. Чунки, азон вақти масжидга келди, хотиржамлик билан таҳорат олди ва хаёли сочилмай намоз ўқиди. Лекин Аллоҳ таоло наздида кейинги кишининг намозида рувҳоният зиёдадир. Чунки, биринчи кишининг зиммасида ҳеч қандай маъсулият йўқ. Уни ибодатдан чалғитадиган монелик йўқ. Намоз ўқишида лаззат бор. Иккинчи киши эса, тирикчилик билан овора, бир қанча нарсаларнинг маъсулияти бўйнида, фикри сочилган. Шундай бўлсада уни бу нарсалар Аллоҳ таолонинг ибодатидан тўсиб қўймади. Аллоҳ таоло (валаа байъун ан зикр) деган. Гарчи унинг намозида ғариб кайфият ҳосил бўлмасада ажрда аввалги кишидан кам бўлмайди. инша Аллоҳ», деди.

Тўртинчиси, таҳорат ва намозда шакланиш васвасаси.

Жуда кўпчилик шу васваса туфайли қийланадилар. Баъзилар таҳоратим кетиб қолдими ёки йўқми деса, баъзилари ювиладиган аъзоларга сув етдими ёки йўқми ўйланиб қоладилар. Баъзилар имом намозни биринчи ракатини тугатишга келганида энди таҳримага қулоқ қоқаётган бўлади.

Ашраф Али Таҳонавий ҳикояси

Бир киши мендан васвасага дучор бўлган киши ҳақида сўраб: «У уч бор сувга шўнғиса ҳам ғуслим тўлиқ бўлдимакан деб ўйланиб қолади?» деди. Мен ундай кишидан намоз соқит бўлади дедим. Чунки ундай одамнинг ақли жойида эмас. Ақли жойида бўлмаган кишиларга намоз фарз бўлмайди, дедим.

Бундай кишилар ҳақида Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам кўрсатмалар берганлар.

عَلَيْهِ لَعْنَةُ اللَّهِ لَلَّذِينَ لَوْ لَوُوسِرَ لِيَاكُشُ هُنَّ أَوْ مَعْنَعٍ مَيِّمَتٍ نَبَدَابَعِ
ال: لَأَقَوْفٍ، رَةَ الصَّلَاةِ يَفْءُ شِلَا دَجِي هُنَّ أَوْ لِيَاكُشُ يِي دَلَا لُجْرَلَا مَلَسَو
مَلَسَم يورو، أَحْيِرَ دَجِي وَأَتَوْصَعَمْ سَيِي تَحْ فَرَصُنَي

Аббод ибн Тамим розияллоҳу анҳу амакисидан ривоят қилади.

«Амакиси Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламга намозида бир нарсани топкандай бўладиган кишининг шикоятини етказди. Шунда у зот: «То овозни эшитмагунича ёки ҳидни топмагунича намоздан чиқмасин!» дедилар».

Фуқаҳолар ушбу ҳадисдан **«Аниқ нарса шубҳа ила кетмайди»** деган қоидани олганлар.

(Тамом)

Манба: fiqh.uz